**Даврий матбуот нашрларига обуна расмийлаштириш ва тарқатиш**

**ШАРТНОМАСИ № 19**

**Урганч шахри** «04» феврал 2022 йил

**Хоразм вилояти «MATBUOT URGANCH» маъсулияти чекланган жамияти** бундан буён **«Обуна килувчи»** деб юритилувчи номидан директор **С.Юлдашева** бир томондан, ва Гурлан т. Ахборот-кутубхона маркази бундан буён **«Обуначи»** деб аталувчи номидан Г. Каримова иккинчи томондан қуйидаги мазмунда ушбу шартномани тузадилар.

**1. Шартнома мазмуни:**

1.1. «Обуна килувчи», «Обуначи»нинг талабига кўра Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда чоп этиладиган обуна каталогига киритилган ушбу шартноманинг 1,2. бандида кўрсатилган даврий нашрларга обуна уюштириш бўйича «Обуна килувчи» ва «Обуначи» ўртасида шартнома тузадилар.

1.2.Расмийлаштириладиган обуна нашрларининг рўйҳати ва обуна нархи обуна нашрларини етказиб бериш манзили, шартноманинг ажралмас қисми саналувчи иловада кўрсатилади.

**2.Шартнома нарҳи, баҳоси, суммаси (қиймати)**

2.1 Шартноманинг умумий қиймати 4406613 сумни ташкил қилади. ҚҚС билан. (тўрт миллион тўрт юз олти минг олти юз ўн уч) сўм

**3. Тўлов шартлари**

3.1 «Обуначи» «Обуна килувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 100 фоизини олдиндан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури Пул ўтказиш.

**4. Шартноманинг бажарилиш муддати**

4.1 Шартнома имзоланган кунидан бошлаб кучга киради ва расмийлаштирилган обуна нашрлари тўлиқ олингунга қадар амалда бўлади. Яъни 2022 йил 31 декабргача амалда булади.

**5. Тарафлар хуқуқлари**

5.1 **«Обуна килувчи»** қуйидаги хукукларга эга:

5.1.1 Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хак тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Обуначи»дан талаб килишга:

5.1.2 «Обуначи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишдан асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга;

5.1.3. «Обуначи» нинг розилиги билан алоҳида тўлов эвазига қўшимча хизматлар кўрсатиш (даврий босма нашрларни сақлаш, обуна бўйича даврий босма нашрларни қайта манзиллаш ва бошқалар)

5.2. **«Обуначи»** қўйидаги хукуқларга эга:

5.2.1 навбатдаги обуна ойидан бошлаб бутун обуна даврига ёки унинг бир қисмига, шунингдек муддатини ўзган ҳолда даврий босма нашрларга обунани расмийлаштириш;

5.2.2. обуначи томонидан имзоланган даврий босма нашрларни бошқа манзилга қайта манзиллаш;

5.2.3. даврий босма нашрларга обунани бекор қилиш;

5.2.4. полиграфик нуқсони бўлган даврий босма нашрларни олганда, даврий босма нашрларнинг тегишли сонини олмаганда, шунингдек, тахририят ёки «Обуна килувчи» нинг айби билан даврий босма нашрларни етказиб беришнинг муддатларига риоя қилинмаганда, тахририят ёки «Обуна килувчи»га мурожаат қилиш ҳамда ўз хохишига биноан нуқсонсиз даврий босма нашрнинг тегишли нусхасига ёхуд бошқа даврий босма нашрнинг нусхасига алмаштириш, шунингдек, даврий босма нашр ушбу нусхасининг обуна ҳақини қайтаришни талаб қилиш;

5.2.5.Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли етказишни «Обуна килувчи »дан талаб қилишга:

5.2.6.« Обуна килувчи »дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб килишга;

**6. Тарафлар мажбурияти**

6.1. «Обуна килувчи» қуйидагиларга мажбур:

6.1.1. «Обуначи» ни обуна қабул қилиш жойларининг иш тартиби, обуна тартиби ва шартлари, обуна буйича таркатиладиган даврий босма нашрларнинг нархлари тўгрисида хабардор қилиш;

6.1.2. Даврий босма нашрларни белгиланган муддатда обуначига етказиб беришни таъминлаш;